

Юртимиз ҳожилари Мино сари йўл олишади



10:00 / 08.08.2019 1454

Бугун 8 август куни юртимиз ҳожилари белгиланган тартибда, муборак ҳаж ибодатини адо этиш учун Мино водийсига чиқиб кетадилар. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Шу муносабат билан, айтилган дамда «Ҳаж-2019» мавсуми ишчи гуруҳи Макка шаҳридаги «Аброжул ҳидоя» меҳмонхонасида гуруҳ раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Мино, Арафот, Муздалифада амалга ошириладиган ташкилий ишлар, бажариладиган амаллар тартиби бўйича келишиб олинди.

Эслатиб ўтамиз, юртимиз ҳожилари бугун таматту ҳажини ният қилиб эҳром боғлашади, «Лаббайка»ни айтиб Мино сари йўл олишади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**